



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 8 июнь, № 111 (6546) Чоршанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Д. МЕЗЕНЦЕВ:

«ШХТ Тошкент саммити тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлади»

Жорий йилнинг 23-24 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири Москвада Россия парламенти сенатори, ШХТ собиқ бош котиби Дмитрий Мезенцев билан суҳбатлашди. У бўлажак Тошкент саммити ва ундан кутилаётган қарорлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

ЭТИРОФ



— Дмитрий Федорович, ШХТ мустақамланишида ва унинг янада ривожланишида Ўзбекистон ташаббусларининг тугган ўрни қандай баҳолайсиз? — Шунга қайд этиш муҳими, ШХТ фаолият кўрсатиб келаётган 15 йил мобайнида юртингиз учинчи мартаба ўшбу ташкилотга раислик қилишдек юксак масъулиятни ўз зиммасига олмакда. Мамлакатингиз

раислиги бирлашма-мизнинг юбилейига, муҳим ҳақда масъулиятли даврига тўғри келдики, бу тизим фаолияти якуналарини сарҳисоб қилиш имконини беради.

Биз Ўзбекистон раислиги йилларида илгари сурилган ва ҳаётга татбиқ этилган ташаббусларни яхши эслашимиз. Айнан мамлакатингиз шафелигида ШХТ ҳузурдаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом қабул

қилинди, ШХТнинг кузатувчилар билан ҳамкорлиги тартиби белгиланди. Мазкур ҳужжат амалиётга жорий этилганидан сўнг 2004 йили Мўғулистон, 2005 йили эса Ҳиндистон, Эрон ҳамда Покистон, 2012 йили Афғонистон кузатувчи давлат мақомини олди.

Шу билан бир қаторда, биз ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон томони олиб бораётган ишларга катта ҳурмат билан қарашимизни алоҳида таъкидлашни истардим. ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси 2004 йилдан бундан доимий асосда Тошкентда фаолият кўрсатиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айлантиришга қаратилган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Маҳалла институти

тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш гоёси илгари сурилган бўлиб, ўтган даврда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, соҳанинг хуқуқий асоси яратилди. Шу тариқа бизнесни ташкил этишда юзага келган миллий анъана ва ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига мос кафолатлар кўчатирилди. Муҳими, бугунги кунда ўшбу норматив-хуқуқий ҳужжат асосида маҳаллаларда

хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнес жадал ривожланмоқда. Янги иш ўринлари очилиб, аҳоли турмуш даражаси юксалишига эришилаётган.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар, жумладан, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиянинг Намунавий низомни тасдиқлаб, амалиётга татбиқ этилаётгани маҳаллаларни кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик марказларига айлантириш борасида муҳим дастуриламал бўлаётгани хусусида ҳам алоҳида сўз борди.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган ўшбу йўналишдаги комиссияларнинг аъзолари ҳудудда яшаётган аҳолининг мавжуд имконияти, муайян фаолият тури билан шуғулланиш истагини инобатга олиб, тадбиркорликни қонун ҳужжатлари талабларига биноан самарали ташкил қилиш ва амалга ошириш, белгиланган тартибда кичик корхона, сартарошхона, пойабзал тамирлаш устахоналари ҳамда халқ ҳунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиш, самарали фаолият юритишига қўмаклашиш бўйича манзилли чора-тадбирларни қўллаб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Полимер хом ашёсидан сифатли маҳсулотлар

Корақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳрилик тадбиркор Гулчехра Хўжабоева саъй-ҳаракати билан ташкил этилган «Мустаноб — Ҳилол» масъулияти чекланган жамияти беш киши билан фаолият бошлаган эди.

Дастлаб бу ерда ойига 83 миллион сўмлик, саккиз турдаги пластмасса қувурлар ишлаб чиқарилган бўлса, яқинда улар сони янада кўпайди. Ўз навбатида, жамоа аъзолари 41 нафарга етди. Бунда 71 миллион сўмлик маблағ эвазига келтирилган илгор технологик линия-

нинг аҳамияти катта бўлди. Шу тариқа полимер хом ашёсидан замонавий томёқич ва йўлак қопламалари тайёрлашга киришилди.

— Ушбу маҳсулотларимиздан узоқ йиллар давомида фойдаланиш мумкин, — дейди Г. Хўжабоева. — Қолаверса, улар ёгингарчилик, иссиқ ҳамда совуқ ҳарорат таъсирида ўз шакли, мустақамлиги ва рангини йўқотмайди, зах ўтказмайди. Бу эса буюртмачиларимиз сафи кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида

Наманган

Вилоят марказидаги «Наманганмаш» акциядорлик жамияти нефть-газ, кимё, энергетика соҳалари учун бутловчи қисмлар етказиб беришга ихтисослаштирилган. Бу ерда босқичма-босқич амалга оширилаётган модернизациялаш ишлари натижасида янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилмоқда.

Хусусан, жамоа яқин-яқингача мамлакатимизга импорт сифатида келтирилган яна ўн турдаги товарлар — санаот жўмрақларини маҳаллийлаштиришга эришди. Бунинг учун зарур бўлган қолип ва бошқа воситалар корхона мутахассислари томонидан ясалди.

— Жорий йилнинг беш ойида буюртмачиларга 2 миллиард 824 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердик, — дейди акциядорлик жамияти иқтисодчиси Исмоил Убайдуллаев. — Эътиборли жиҳати, ўшбу бутловчи қисмлар ташқи ҳамда ички таъсирларга чидамлилиги билан ажралиб туради.

Таъкидлаш керакки, Наманган вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, 5 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Битирувчилар учун кредитлар

Сурхондарё

Деновда туман ҳокимлиги, Мудофаа ишлари бўлими, прокуратура ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда ҳудудда фаолият юритаётган 132 та корхона ва ташкилот 384 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Яқинда қатнашчилардан 58 нафари муносиб иш жойига эга бўлиб, меҳнат шартномалари имзоланди. Шунингдек,

Нормурад ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

МУНОСАБАТ

Бугун мамлакатимизнинг қай гўшасига бор-майлик, юртдошларимиз энг улуғ, энг азиз айём — давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муносиб равишда нишонлаш мақсадида баҳамжихатликда қизғин тайёргарлик кўришаётганига гувоҳ бўламиз. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ана шу ҳушнудлик ҳамда кўтаринкилик кайфиятини янада кучайтирди.

Етуклик ва қатъий ишонч

Мустақиллик халқимизга тинч, осуда, озод ҳамда фаровон ҳаёт, буюк келажакка ишонч туйғусини инъом этгани билан ниҳоятда қадридлир. Таъкидлаш жоизки, барқарор суръатлар билан ривожланиб, жаҳон майдонида обрў-эътибори ортиб бораётган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт стратегиясини жаҳон аҳли тан олмакда. Давлат ва жамият ҳаётидаги демократик ўзгариш ҳамда янгилашлар, инсон манфаатлари устуворлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар халқаро жамоатчилик томонидан юксак даражада эътирофини топаётган. Атиги чорак аср

мобайнида бундай улкан муваффақиятларга, албатта, осонликча эришилгани йўқ. Қарорда белгиланганидек, илгари тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган оламшумул натижаларнинг асосий омиллини авваломбор тараққиёт йўлимида учраган турли қийинчилик, етишмовчилик, оғир ва машаққатли синовларни енгиб ўтишда халқимизнинг дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора юксалиб бораётганида кўриш даркор.

(Давоми 2-бетда).

ЭҲТИРОМ

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида жаҳон адабиётининг етук намояндаларидан бири, рус халқининг атоқли шоири Александр Сергеевич Пушкин таваллудининг 217 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Боқий шеърят соҳиби

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар томонидан ўшбу сана муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, таълим муассасалари, аҳоли дам олиш масканлари, жамоат жойларида анжуманлар, давра суҳбатлари, шеърят кечалари уюштирилаётган.

Йилларида ёшлар маънавиятини юксалтириш, таълим-тарбиянинг муҳим шарти сифатида адабиёт ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда адабларимиз асарларини ўрганиш ва бошқа тилларга таржима қилиш ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтириш, уларни жаҳон адабиётининг нодир асарлари билан яқиндан таништириш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

БИЗ — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!



Ўзбекистон — ёшлар мамлаката. Чунки юртимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини навқирон авлод вакиллари ташкил этади. Шу боис Президентимиз эъланмолигида изчил амалга оширилаётган ислохотлар замирида эртамиз гагарини маънан ва жисмонан етук, касб-хўнар сирларини пухта эгаллаган, мустақил ҳамда ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак инсонлар қилиб камол топтириш мақсади мужассам.



Хосен ПЛАНДОВЕВ олпон, сурат.

Айтиш жоизки, бугун республикамизда ёшлар сиёсати мустақам хуқуқий асосга эга. Бу, аввало, Асосий Қонунимизда, қолаверса, мазкур соҳага доир 22 та қонунда ифодасини топган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг дастлабки муҳим ҳужжатлардан бири сифатида 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганда ҳам чуқур рамзий маъно бор. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари вояга етаётган фарзандларимизни миллий ҳамда умум-

инсоний қадриятлар, Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Мустақиллик йилларида демократик бозор ўзгаришлари талабларига мос равишда таълим-тарбия тизимида туб янгилашлар юз берди. Ушбу ислохотлар жараёнида Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қолаверса, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтарди. Хусусан, шу асосда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида келажагимиз ворислари истеъдодини юзага чиқариш ҳамда муносиб рағбатлантиришга қаратилган турли кўриктанловлар, фестиваллар, акциялар, байрамлар ўтказилмоқда, белгиланган долзарб вазифалар ижроси изчиллик билан таъминланаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Шу йилнинг дастлабки уч ойида мамлакатимизда замонавий технологиялар асосида

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

500

километрдан зиёд кенг қосилган оптик-толали тармоқлар барпо этилиб, захирага олинди.

Юртимизда йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар кўриляётгани туфайли соҳада ана шундай натижага эришилди.

Интеллектуал беллашув голиблари

Пойтахтимизда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги “Инглиз тили билимдонлари” интеллектуал мусобақасининг мамлакат bosқичи ўтказилди.

МУСОБАҚА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мажбурий таълим Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоги Хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби жамоалари қатнашди.

Умуман, юртимизда ўғил-қизларнинг замонавий билимларни чуқур ўзлаштириши, ўзлари танлаган соҳалар бўйича кенг қўникмаларни эгаллаши билан бирга, хорижий тилларни пухта ўрганишига барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги янгиланишларни бошлаб берди.

Мажбурий ҳужжатга кўра, мактабгача таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб болажонларга инглиз тили ўргатиб келинмоқда. Бинобарин,

кейинги йилларда ўқувчилар инглиз тили бўйича халқаро миқёсда ўтказилаётган фан олимпиадалари, турли қўриқ-танловларда совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. “Инглиз тили билимдонлари” интеллектуал мусобақаси ҳам эртамик эгаларининг билимини мухташамлашда муҳим ўрин тутди.

Яқиний натижаларга кўра, Тошкент шаҳар ўқувчилари жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Бухоро ва Андижон вилоятлари ўқувчилари жамоалари иккинчи, Хоразм вилояти ўқувчилари жамоаси эса учинчи ўринни қўлга киритди.

— Интеллектуал беллашувда голиб бўлганимиз бизга бир олам қувонч бағишлади, — дейди Юнусобод туманидаги 97-умумтаълим мактаби ўқувчиси Диёра Шамсиева. — Инглиз тилини янада мукамал ўрганишим учун кўшимча тўғрақларга қатнаб, сўз бойлигини ошириб боришим зарурлигини тушуниб етдим. Келажакда инглиз тили бўйича етук мутахассис бўлиш ниятидаман.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 28 МАЙДАН 3 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги 01/27-26/32-сон «Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи баҳолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини баҳолашга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2359-1 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги 01/27-26/33-сон «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар» шаклини тўлдириш бўйича қоидаларнинг 6-бандига қўшимча киритиш тўғрисида»-ги қарори.

2016 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1860-2 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги 01/27-26/34-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолашга қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1225-1 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги 01/27-26/35-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолашга қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026-1 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги 01/27-26/36-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини баҳолашга қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2044-1 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги 01/27-26/37-сон «Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (11-сон

МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида давлат уй-жой фонднинг қийматини баҳолашга қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2279-1 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги 01/27-26/38-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (13-сон МБМС) «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолашга қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2371-1 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

9. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2016 йил 25 майдаги 1-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»-ги қарори.

2016 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1573-11 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

10. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2016 йил 25 майдаги 1-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан яқна тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»-ги қарори.

2016 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1712-6 (2016 йил 6 июндан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 2444, 2013 йил 25 март), шунингдек, унга қўшимчалар (рўйхат рақами 2444-1, 2014 йил 26 декабрь), (рўйхат рақами 2444-2, 2015 йил 30 март).

Адлия вазирининг 2016 йил 3 июндаги 133-мқ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мажбурий ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

жаҳондаги ривожланган давлатларнинг етук таълим муассасалари ўқув жараёнларини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ҳамда замонавий илм-фан ютуқлари ва илгор педагогик технологиялар асосида яратилган янги авлод ўқув режа ҳамда дастурлари бўйича 2016/2017 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ

5A111601	Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият асослари)
5A120101	Адабиётшунослик: рус адабиёти
5A120102	Лингвистика:
5A120102	рус тили
5A120102	инглиз тили
5A120301	Ўзбекистон тарихи
5A120302	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
5A120303	Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият турлари бўйича)
5A120304	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича)
5A120401	Археология
5A120402	Этнография, этнология ва антропология
5A120501	Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича)
5A120502	Фалсафа (қўллаш соҳаси)
5A120503	Этика ва эстетика
5A120504	Онтология, гносеология ва логика
5A130101	Математика (йўналишлар бўйича)
5A130102	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
5A130103	Дифференциал тенгламалар ва математик физика
5A130201	Математик моделлаштириш ва сонли усуллар
5A130202	Амалий математика ва ахборот технологиялари
5A140101	Биология (фан йўналиши бўйича)
5A140102	Микробиология ва вирусология
5A140103	Ихтиология ва гидробиология
5A140104	Биотехнология
5A140105	Биофизика
5A140106	Биокимё
5A140107	Генетика
5A140201	Назарий физика
5A140202	Физика (йўналишлар бўйича)
5A140203	Гелиофизика ва кўёш энергиясидан фойдаланиш
5A140204	Конденсацияланган мухитлар физикаси ва материалшунослик (турлари бўйича)
5A140205	Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси, тезлаштирувчи техника
5A140301	Назарий механика
5A140401	Астрономия (тадқиқот йўналиши бўйича)
5A140501	Кимё (фан йўналиши бўйича)
5A140502	Материаллар ва моддалар кимёси (материаллар бўйича)
5A140503	Нефть ва газ кимёси ва технологияси
5A140602	География (ўрганиш объекти бўйича)
5A140701	Метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология (фаолият турлари бўйича)
5A140702	Гидрометеорология (фаолият турлари бўйича)
5A140801	Умумий ва худудий геология (фан йўналиши бўйича)
5A140803	Геокимё, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геокимёвий усуллари
5A140804	Минералогия, кристаллография, петрография
5A140806	Геологик съёмка ва фойдали қазилмалар конларини қидириш
5A140901	Геофизика, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари
5A141001	Тупроқшунослик (тадқиқот тури бўйича)
5A141002	Экспериментал агрокимё
5A141102	Гидрогеология (ўрганиш объекти бўйича)
5A210102	Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги
5A210201	Психология (фаолият турлари бўйича)
5A220101	Журналистика (фаолият турлари бўйича)
5A220101	Олий журналистика курслари
5A220103	Телевидение ва радиозащиттириш
5A220104	Ношрилик иши ва муҳаррирлик
5A220301	Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик
5A230102	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5A311502	Геодезия ва картография (функциялари бўйича)
5A311701	Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича)
5A330101	Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти (фойдаланиш тури бўйича)
5A330204	Ахборот тизимлари (тармоқлар бўйича)
5A330301	Криптография ва криптоанализ (йўналишлар бўйича)
5A330302	Ахборот хавфсизлиги (йўналишлар бўйича)

БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

5111300	Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда)
5111400	Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:
	инглиз тили
	немис тили
	француз тили
	рус тили
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)
5120400	Археология
5120500	Фалсафа
5130100	Математика
5130200	Амалий математика ва информатика
5140100	Биология (турлари бўйича)
5140200	Физика
5140300	Механика
5140400	Астрономия
5140500	Кимё
5140600	География
5140700	Гидрометеорология
5140800	Геология
5140900	Геофизика
5141000	Тупроқшунослик
5141100	Гидрология (тармоқлар бўйича)
5210100	Социология
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)
5220100	Журналистика (фаолият турлари бўйича)
5220300	Архившунослик
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5231700	Кадрлар менежменти
5311500	Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича)
5330100	Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти
5330200	Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5330300	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)
5520100	Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)



Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлигача қабул қилинади.

Университет манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй.
Телефонлар: (0-371) 246-08-94, 246-02-24.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Набатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.15 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6